2023-yil
10-oktabr
seshanba
№ 124
(4876)

# Ishonch

*Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!*

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



# БИЗ СИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ!

## XIX ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА ЭРИШИЛГАН ЁРҚИН ҒАЛАБАЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ СПОРТЧИЛАРИНИНГ ҲАМ МУНОСИБ ҲИССАСИ БОР

**Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида ўтказилган XIX Осиё ўйинларида Ўзбекистон спортчилари 22 та олтин, 18 та кумуш ва 31 та бронза, жами 71 та медалга сазовор бўлиб, 45 та мамлакат орасида фахрли бешинчи ўринни эгаллади.**

Ватанимиз номини улуғлаб, уни дунёга танитишга ҳисса қўшган мамлакатимиз спорт делегацияси сафида Ўзбекистон касаба уюшмалари спортчилари ҳам борлиги, совриндорлар сафида экани, энг муҳими, уларнинг медаллар шодасини кўпайтиришга ҳисса қўшгани бизни янада фахрлантиради.

Айтиш лозимки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг тарбияланувчилари XIX Осиё ўйинларида умумий ҳисобда иккита олтин, еттита кумуш, тўртта бронза медални қўлга киритишди.

Куни кеча мазкур мусобақада муносиб иштирок этиб, мамлакатимиз байроғини баланд кўтарган бир гуруҳ спортчилар Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида кутиб олинди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов иштирок этди ва Президентимиз табригини ўқиб эшиттирди.

Тадбирда қайд этилганидек, спортчиларимиз Ханчжоудаги мусобақада маҳорати, тажриба ва салоҳиятини намоён этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Бу мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик самарасида ўзбек спортининг ёрқин келажагини таъминлашга қодир спортчилар тарбияланаётгани, уларни келгусида янада юксак ғалабалар кутиб турганидан далолатдир.

**Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ**
«ISHONCH»









Давра суҳбати

## Ҳамкасблар тажриба алмашишди

**Россия саноати ходимлари касаба уюшмаси Бошқирдистон Республикаси кенгаши раиси Ирина Исламова бошчилигидаги делегация Самарқандга келди.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши, Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши, Самарқанд автомобиль заводи раҳбарияти ва корхона касаба уюшмаси фаоллари билан бўлиб ўтган давра суҳбатида ҳар иккала давлат турдош соҳа ходимларига яратилган меҳнат шароитлари хусусида маълумотлар алмашинди.

– Меҳнат фаолият туридан қатъи назар қонунлар асосида шакллантирилади. Автомобиль заводи фаолияти билан танишиш баробарида қонун устуворлигининг аҳамиятини ҳис қилдик, – деди Бошқирдистон Республикаси Нефтекамский автомобиль заводи касаба уюшма ташкилоти раиси Розалия Мулахметова. – Бу ерда ишловчиларга барча шароитлар яратилган. Завод касаба уюшма қўмитаси таркибидаги цех касаба уюшмалари томонидан ҳар жабҳада жамоат назорати ўрнатилганига гувоҳ бўлдик. Эътиборли томони, маъмурият касаба уюшмаларини қўллаб-қувватламоқда. Меҳнат шароитлари, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашда камчиликлар йўқ. Ходимларни ишга қабул қилиш, касб малакасини оширишда адолат мезонларига асосланиб келинаётгани қувонарли ҳол.

Меҳмонлар автобуслар йиғиш ва бутлаш цехлари, зарарли меҳнат шароитида ишловчилар фаолияти, техника хавфсизлиги йўналишида олиб борилаётган ишлар билан муфассал таништирилди.

**Сирожиддин ИЗЗАТУЛЛАЕВ,**
Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд (Жиззах ва Навоий) вилояти кенгаши Ташкилий ишлар бўлими мудири

## «МАЪРИФАТ» – БИЗНИНГ ГАЗЕТАМИЗ ВА БИЗНИКИ БЎЛИБ ҚОЛСИН!




>> 3



Халқаро ҳамкорлик

## Муносабатларни мувофиқлаштириш сари

**Самарқандда халқаро қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Конфедерациясининг (МКП «Строитель») навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур ташкилотга аъзо Россия, Беларусь, Озарбайжон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларининг соҳа касаба уюшмалари кенгашлари раҳбарлари ва фаоллари қатнашдилар.**

Йиғилишда дастлаб Конфедерация раиси Борис Сощенконинг маърузаси тингланди. Унинг қайд этишича, меҳнат жабҳасидаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш, тизимда меҳнат қилаётган ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасидаги илғор тажрибаларни оммалаштириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Дунёда миграция масалалари долзарб аҳамият касб этаётган бир шароитда хориждан иш ахтариш асосан қурувчилар чекига тушмоқда. Ёлланма ишчилар ҳисобига ривожланаётган тармоқда ишчи меҳнати, унга ҳақ тўлаш, муносиб меҳнат шароитлари яратишда турли-туман тафовутлар бор. Меҳнат билан боғлиқ камситишлар, ходимлар ҳақ-ҳуқуқларининг поймол этилиши ҳолатлари мавжудлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Иштирокчилар бундай вазиятга дучор бўлган ишловчиларга жамоат ташкилоти кўмагини ташкил этиш механизмини яратиш борасида аниқ таклифлар ишлаб чиқиш юзасидан келишиб олишди.

Тадбирда сўзга чиққан Ҳамрохон Самизода (Тожикистон), Токтогул Султакеев (Қирғизистон), Куссеин Ессенгазен, (Қозоғистон), Геннадий Ляпунов (Беларусь), Ризван Алиев, (Озарбайжон), Баҳодир Султонов (Ўзбекистон) ва бошқалар ижтимоий муҳофаза йўналишидаги фаолият мувофиқлигининг бугунги ҳолати ва галдаги вазифалар юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Меҳмонлар Самарқанддаги тарихий ёдгорликлар, сўнгги йилларда шаҳарда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан ҳам яқиндан танишдилар.

**Нурилла ШАМСИЕВ**
«ISHONCH»

Фарғона вилояти

Муносабат

# Дунё тамаддунига дахлдор нутқ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқида илгари сурилган долзарб таклиф ва ташаббуслар нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунё аҳолисига дахлдор экани билан аҳамиятлидир.**

Давлатимиз раҳбари, энг аввало, ҳамжиҳатлик ва мамлакатларни жипслаштириш зарурлигига алоҳида урғу берди.

Президентимиз сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга алоҳида тўхталиб, глобал ва минтақавий кун тартибидаги энг долзарб масалалар ечимига қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди.

– Биз ҳуқуқий, дунёвий, демократик ва ижтимоий давлат бўлмиш Янги Ўзбекистонни барпо этиш сиёсатини қатъий давом эттирмоқдамиз. Мамлакатимиз «Инсон қадри ва манфаатлари учун» деган эзгу ғоя асосида демократия ва адолат тамойилларини мустаҳкамлашга қаратилган туб ислоҳотлар йўлидан дадил бормоқда, – деди Президентимиз.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда янгиланган Конституция бўйича ўтказилган умумхалқ референдуми миллий тараққиётимизнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Асосий қонунимизда миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг тенглиги, инсон ҳуқуқлари, сўз ва виждон эркинлиги принципларига садоқат яна бир бор тасдиқланди. Ушбу ҳуқуқий асосда қабул қилинган «Ўзбекистон – 2030» тараққиёт стратегияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига уйғундир.

– Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби томонидан илгари сурилган «Иш ўринларини яратиш ва ижтимоий ҳимоя глобал акселератори» борасидаги ташаббусни қўллаб-қувватлаймиз. Мазкур ташаббус доирасида тажриба алмашиш учун 2024 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида «Ижтимоий ҳимоя: барқарор тараққиёт сари йўл» бутунжаҳон конференциясини юртимизда ўтказишни таклиф этаман, – деди давлатимиз раҳбари юксак минбардан туриб.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу йил мамлакатимиз Барқарор ривожланиш мақсадлари халқаро рейтингида 2022 йилга нисбатан 8 поғонага кўтарилди. Яъни Ўзбекистон 71,1 индекс билан 166 та мамлакат орасида 69-ўринни эгаллади.

Бунинг асосий сабаби, Ўзбекистонда барқарор ривожланишнинг 10 та мақсади бўйича кўрсаткичларида ижобий ўсиш қайд этилганидир. Улар мамлакатда камбағалликни қисқартириш, соғлиқни сақлаш ва фаровонликни таъминлаш, сифатли таълим, гендер тенглигига эришиш, шаҳар ва аҳоли пунктларини барқарор ривожлантириш каби йўналишлардир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кейинги олти йил ичида амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад халқимизнинг турмуш даражасини ошириш, фаровонлигини таъминлаш, ҳар бир инсонга, кексалар, хотин-қизлар, ёшлар, ногиронлиги бор шахслар – барча-барчасига муносиб турмуш шароитларини яратишдир.

Президентимизнинг мазкур нутқида таъкидланган барча натижалар ва режалар дунё эътиборини тортгани, шубҳасиз. Жумладан, мамлакатимизда 2017 йилдан буён камбағаллик икки баробарга камайгани, 2030 йилгача уни 7 фоизга тушириш режа қилинаётганининг ўзи бу йўналишда олиб борилган ишларнинг кўлами қанчалик кенг эканлигини кўрсатади. Жумладан, қисқа муддат ичида аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилаш борасида амалий механизмларнинг ишлаб чиқилгани ўз самарасини берди. «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари», «маҳаллабай», «хонадонбай» ишлаш, аҳолининг мурожаатларини ўрганиш ва уларни қийнаб келаётган муаммоларни бартараф этиш борасидаги янгича ёндашувлар халқнинг, айниқса, ижтимоий ёрдамга муҳтож инсонларнинг елкасидаги оғир юкни олди, десак муболаға бўлмайди.

Нутқда эътиборимни энг кўп тортган жиҳат ҳам айнан камбағалликка барҳам бериш, халқ фаровонлигини ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишнинг энг самарали омили ҳамма учун очиқ ва сифатли таълим эканлиги таъкидлангани бўлди. Бу борада ҳам Ўзбекистоннинг аниқ режалари борлиги айтилиб, 2030 йилга қадар ҳар бир боланинг боғчага қатнаши, мактабни битираётган ҳар икки ўқувчининг бири эса олийгоҳда ўқиши учун имконият яратилиши айтилди.

Дарҳақиқат, тарих ҳам, бугунги ҳаёт ҳам исботламоқдаки, илм тараққиётнинг асосидир. Ҳа, илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади. Шарқ донишмандлари айтганидек, «Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!».

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбарининг ушбу нутқида кўтарилган масалалар барчамизнинг келгуси режаларимизни амалга оширишда муҳим дастуриламалдир. Унда белгиланган устувор вазифалар ижросида фаол иштирок этиш эса биз учун катта шараф ва масъулиятдир.

**Аброр ОТАБОЕВ,**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши бўлим мудири

# Сўранг, жавоб берамиз...

## Меҳнат шартномасини ўзгартиришга тўғри келса...

**САВОЛ:**

**Танишим ишга жойлашаётганида меҳнат шартномасини унинг мазмунига етарлича эътибор қилмасдан имзолаган экан. Фаолият давомида шартларнинг айримлари унга тўғри келмаслигини англаб, меҳнат шартномасини қандай ўзгартиришни билмай юрибди. Бу ўринда у нима қилиши лозим?**

**Гулруҳ ДАМИНОВА**
Китоб тумани

***ЖАВОБ:*** Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда, бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек, меҳнат шартномасида назарда тутилган ҳолларда ходим меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган меҳнат вазифасига кўра ишни давом эттираётганда иш берувчидан меҳнат шартларини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақлидир.

Унинг меҳнат шартларини ўзгартириш ҳақидаги аризаси берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай иш берувчи томонидан кўриб чиқилиши керак. Талаблари қаноатлантирилмаган тақдирда, иш берувчи унга рад этишнинг сабаби тўғрисида ёзма шаклда хабар қилиши керак.

Меҳнат шартномасини ўзгартириш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Бу буйруққа меҳнат шартномасига киритилган ўзгартишлар асос бўлади. Меҳнат шартномасига доир ўзгартишлар ходим ва иш берувчи томонидан ёзма шаклда тузиладиган ҳамда меҳнат шартномасининг ажралмас қисми бўлган қўшимча келишув имзолаш орқали расмийлаштирилади.

Меҳнат шартномасига доир қўшимча келишув камида икки нусхада тузилади. Қўшимча келишувнинг ҳар бир нусхаси ходимнинг ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзоси билан мустаҳкамланади. Иш берувчида муҳр мавжуд бўлган тақдирда, меҳнат шартномасининг барча нусхаларида мансабдор шахснинг имзоси муҳр билан тасдиқланади. Қўшимча келишувнинг бир нусхаси ходимга берилади, бошқаси (бошқалари) иш берувчида меҳнат шартномаси билан бирга сақланади. Ходим томонидан қўшимча келишувнинг нусхаси олинганлиги ходимнинг иш берувчида сақланадиган қўшимча келишувнинг нусхасига қўйилган қўшимча имзоси билан тасдиқланади.

**Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими**

Қашқадарё вилояти

Бошланғич ташкилотларда

**Шаҳрисабз тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Наргиза Совриддинова хасталанди. Унга «жигар циррози» ташхиси қўйилди. Тўрт йил давомида олинган муолажалар эса кор қилмади. Шифокорлар донор топилса, беморни фақат жигар кўчириб ўтказиш йўли билангина даволаш мумкинлигини айтишди.**

# Ишонч масъулияти



– Ана шундай синовли паллада синглим Мухлиса ўз жигарини беришга рози бўлди, – дейди Наргиза опа. – Ишхонамдагилар ҳам қараб туришмади. Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Зокир Жамолов, касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳасан Мингбоев, даволаш ишлари бўйича бошлиқ муовини Дилобар Долиева, бош ҳамшира Дилноза Қодирова, бўлимдаги ҳамкасбларим қўллаб-қувватлаб, далда бўлишди. Иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси моддий ёрдам ажратди. Жигарим тамом бўлган экан. Ҳиндистонда уни бутунлай олиб ташлаб, синглимнинг жигаридан 70 фоизини менга кўчириб ўтказишди. Ҳозир яхшиман. Соғайиб, яна ишга қайтдим. Синглимнинг жигари ҳам тикланди. Ҳозир у шифохона ошхонасида ишлаяпти. Бизга хайрихоҳ бўлганлардан миннатдормиз.

Кўп тармоқли марказий поликлиника ҳамшираси Гулфира Абдуллаеванинг ўғли Комронбек Болтаев болаликдан ногирон. Шу боис она Тошкент травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтида дилбандини даволатди. Жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Ўз навбатида, туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси томонидан Гулфирага моддий кўмак ажратилди.

Орастабон Сурайё Дўстова отаси Сайфулло бобони, ходим Сарвар Раҳимов онаси Махфират опани сиҳатгоҳда дам олдирмоқчи бўлиб, ариза ёзишганди, ҳар иккала мурожаат қаноатлантирилди. Икки фарзанди олий ўқув юртида шартнома асосида ўқийдиган дорихона ходимаси Малоҳат Холовага ҳам оилавий шароити ҳисобга олиниб, кўмак берилди. Шунингдек, кам таъминланган ходимларнинг 90 нафар фарзандига ўқув қуроллари тақдим этилди.

Соҳа хизматчиларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида яқинда 50 нафар тиббиёт фидойиси «Самарқанд – Нурота – Бухоро» йўналиши бўйлаб зиёратга олиб борилди. Ходимлар ва уларнинг яқин қариндошлари, фарзандларини соғломлаштириш учун санаторийларга 28 та, оромгоҳларга 90 та имтиёзли йўлланма тақдим этилди.

Бир неча бор туман ҳокимлиги ташаккурномаси, тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган тиним билмас касабақўм етакчиси Ҳасан Мингбоев – ходимпарварлиги билан барчанинг ҳурматини қозонган. 3000 нафардан зиёд ходим ишончи, ўнлаб бошланғич цех ташкилоти етакчиларининг «Устоз», дея эъзозлаши, унга эргашиши Ҳасан аканинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади.

**Акмал АБДИЕВ**
«ISHONCH»

# Педагоглар театрда

Эътибор



Саҳна пардаси очилди. Кўплаб театр асарлари, кино ва сериаллардаги роллари билан элимиз қалбидан жой эгаллаган ижодкор Ёдгор Саъдиев саҳнага чиқиши билан зални гулдурос қарсаклар тутиб кетди. Мухлислари меҳр-эътиборидан тўлқинланиб кетган актёр касаба уюшмалари ходимларининг маданий ҳордиқ олишлари учун бугун ажойиб саҳна асари намойиш этилишини эълон қилди.

Қувноқ кайфиятда намойиш бошланди...

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши томонидан ходимлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишини ташкил этиш, уларнинг маънавий ҳордиқ олишларини таъминлаш мақсадида ташкиллаштирилган, Эркин Хушвақтовнинг «Чиройлисан, муҳаббат» асари асосида саҳналаштирилган ушбу спектакль барчага манзур бўлди. Мазкур дам олиш тадбирида 600 нафардан зиёд касаба уюшма аъзоларининг иштироки таъминланди.

– Биринчи марта театр томошасида қатнашишим, – дейди Бухоро туманидаги 7-мактаб кутубхоначиси Марҳабо Набираева. – Асарни бир неча маротаба мутолаа қилганман. Лекин саҳнадаги ижро таассуротларимни янада бойитди. Тўғриси, мириқиб ҳордиқ чиқардик, маза қилиб дам олдик. Қалбларни эгаллаган ғуборлар мана шу комедик саҳна асари баҳонасида тарқади, десам хато бўлмайди.

**Абера ИМОМОВА,**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши мутахассиси

Сурхондарё вилояти

Касаба уюшмаси аралашгач...

# Буйруқ бекор қилинди, ходим ишга тикланди

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгашига мурожаат қилган шерободлик Ойдин Раҳимова, ўз хизмат вазифасига ишга тиклаб, мажбурий бекор юрган вақтлари учун ойлик иш ҳақини ундириб беришни ҳамда суд муҳокамаси даврида унинг манфаатини ҳимоя қилишни сўради.**

Тақдим этилган ҳужжатларни атрофлича ўрганиб, суд муҳокамаси даврида О.Раҳимованинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилдик. Даъвогар О. Раҳимова жавобгар – Сурхондарё вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Сурхондарё вилояти иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси)га нисбатан даъво аризаси билан фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига мурожаат қилган.

Ойдин Раҳимова 2018 йилнинг 30 ноябрида Сурхондарё вилояти иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси Шеробод тумани иқтисодиёт ва саноат бўлимида бош мутахассис лавозимида иш бошлаган. Маълумоти олий, иқтисод ва молия йўналиши бўйича ўқиган. Меҳнат фаолияти давомида ўзига юклатилган барча мажбуриятларни сидқидилдан бажариб келган. Бирон маротаба интизомий жазо олмаган. 2020 йил 1 июндан бошлаб вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси Шеробод туман бўлими қишлоқ хўжалиги хизматлар соҳаси, истеъмол бозорлари, ташқи иқтисодий фаолият ва минтақалараро бўйича бош мутахассис лавозимига ишга ўтказилган.



2023 йил 11 январдан бошлаб розилик аризасига асосан камбағалликни қисқартириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, инсон капитали ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича бош мутахассис лавозимига ўтказилган. Президентнинг «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2022 йил 21 декабрдаги фармонига асосан бошқарманинг штатлар жадвалида ўзгариш бўлаётгани боис иш берувчи ўзгаришлар эҳтимоли ҳақида 2023 йил 19 январь куни у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиши ҳақида ёзма равишда огоҳлантирган. Огоҳлантириш муддати тугагач, иш берувчи О.Раҳимова билан тузилган меҳнат шартномасини 2023 йил 23 мартдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси МКнинг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига асосан бекор қилган. Бир ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақасини тўлаб бериш ҳамда ҳисоб-китоб қилиш вазифаси бош ҳисобчига юклатилган.

Иш берувчи О.Раҳимова билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда бир қатор хатоликларга йўл қўйган. Жумладан, МКнинг 98-моддасида «Корхона мулкдори алмашганда, шунингдек, корхона қайта ташкил этилганда (қўшиб юборилган, бирлаштирилган, бўлиб юборилган, қайта тузилган, ажратилганда) меҳнат муносабатлари ходимнинг розилиги билан давом этаверади... Корхонанинг бир орган бўйсунувидан бошқа орган бўйсунувига ўтказилиши меҳнат шартномасининг амал қилишини тўхтатмайди» деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси МКнинг 92-моддаси 2-қисмида «Агар объектив сабабларга кўра (100-модда иккинчи қисмининг 1-, 2- ва 6-бандлари ҳамда 106-модданинг 2-банди) меҳнат шартномасида белгилаб қўйилган меҳнат вазифаси доирасида ишни давом эттириш мумкин бўлмаса, иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни (ходим бажараётган ишига ёки эгаллаб турган лавозимига номувофиқ бўлса, мутахассислиги бўйича бир мунча кам малака талаб этиладиган бошқа ишни), бундай иш бўлмаган тақдирда эса корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт. Ходим бошқа ишга ўтишдан бош тортган ёки корхонада мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин» деб кўрсатилган.

Иш берувчи иқтисодиёт ва молия ташкилотлари қўшилиши муносабати билан О.Раҳимова билан меҳнат шартномасининг амал қилишини тўхтатмасдан давом эттириши ёки МКнинг 92-моддаси талабига кўра, бўш иш ўринлари билан таъминлаш чорасини кўриши керак эди. Аммо ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин бошланғич касаба уюшма қўмитаси йиғилишида унинг иштироки таъминланмасдан ҳимоя ҳуқуқи бузилган ва ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги инобатга олинмаган. Иш берувчи О.Раҳимова билан меҳнат шартномасини бекор қилишда МКнинг 100, 101, 92. 98, 103-моддалари талабларини бузгани ҳақида хулоса берилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг 2023 йил 25 май кунидаги ҳал қилув қарорига асосан, даъво қаноатлантирилиб, Ойдин Раҳимова 2022 йил 23 мартдан бошлаб Шеробод тумани иқтисодиёт ва молия бўлимига бош мутахассис лавозимига ёки шу лавозимга тенг ишга тикланди, мажбурий бекор юрган вақтлари учун 11 032 792 сўм ойлик иш ҳақи ва 6 000 000 сўм маънавий зарар, жами 17 032 792 сўм ундириб берилди.

**Зариф ХОЛОВ,**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Мурожаат

# «МАЪРИФАТ» – БИЗНИНГ ГАЗЕТАМИЗ ВА БИЗНИКИ БЎЛИБ ҚОЛСИН!

Ҳурматли давлат идоралари ва таълим ташкилотлари раҳбарлари, қадрли ҳамкасблар! Умумтаълим мактабларининг фидойи ва заҳматкаш ўқитувчилари! Биз мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги умумтаълим мактабларида фаолият юритувчи бир гуруҳ ўқитувчилар, сизларга юртимиз келажагига дахлдор ўта муҳим масала юзасидан мурожаат қилмоқдамиз.




Маълумки, ҳозирги замонда давлатнинг дунёда тутган даражаси ва мавқеи ўша мамлакатда таълим ва илм-фаннинг қай даражада ривожланганига боғлиқ бўлмоқда. XXI асрда инсон ресурслари табиий ресурсларга қараганда муҳим аҳамият касб этмоқда. Рақобатбардош ва малакали инсон ресурслари эса фақатгина таълим даражаси юқори, малакали ва фидойи ўқитувчилар мавжуд бўлган шароитдагина шаклланади. Малакали ва билимли, тажрибали ва етук ўқитувчиларнинг замон билан ҳамнафас, ўзаро тажриба алмашган ҳолда фаолият юритишида босма таълим нашрларининг ўрни беқиёсдир. Аммо сўнгги йилларда мажбурий обунага қарши кураш баҳонасида ўқитувчилар ва босма таълим нашрлари ўртасидаги алоқа деярли узилди. Ҳар йили кўплаб газета ва журналлар ёпилмоқда. Мантиқий олиб қаралганда бу миллий фожиадир. Ўз вақтида юз минглаб нусхаларда нашр этилган, мамлакатимиз зиёлиларининг отахон нашри «Маърифат» газетаси ҳам оғир аҳволда, ёпилиб кетиш даражасига келиб қолган.

Босма нашрлар, хусусан, таълим нашрлари ривожи учун хизмат қиладиган қатор Президент қарорлари (2022 йил 11 майдаги 241-ПҚ ва 2022 йил 27 июндаги 294-ПҚ) да таълим муассасаларини таълим нашрлари, хусусан, «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталари билан таъминлаш кўзда тутилган эди. Афсуски, мазкур қарорлар ижроси масъул раҳбарлар томонидан етарлича таъминланмади.

Ҳурматли давлат ҳокимияти органлари ва таълим муассасалари раҳбарлари! Сизлардан Президентимиз томонидан қабул қилинган, юқорида кўрсатиб ўтилган қарорларнинг ижросини таъминлашларингизни сўраймиз. Зеро, бу билан ҳам хизмат бурчингизни бажарган, ҳам мамлакатимиз келажагига ҳисса қўшган бўлар эдингиз. Чунки таълим муассасаларига етиб борган «Маърифат» газетасининг ҳар бир сони, ўша таълим муассасасида фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг малака ва савияси, тажриба ва маҳорати, ўқувчиларнинг эса билим сифатининг ўсишига кўмак беради.

Ҳурматли ўқитувчилар, азиз ҳамкасблар! Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш даврида мактабларда фаолият юритаётган сиз-у бизнинг зиммамиздаги масъулият буюк аждодларимиз бўлган биринчи ва иккинчи Ренессанс давридаги буюк алломалар, миллатимиз равнақи учун заҳмат чеккан маърифатпарвар жадид боболаримиз зиммасида бўлган масъулиятдан асло кам эмас. Шундай экан, келинг, билим ва маҳоратимизни ошириш, ўзаро тажриба алмашиш, ўқиш ва ўрганиш учун хизмат қиладиган севимли газетамиз «Маърифат»га обуна бўлайлик. Биз улкан кучмиз. Агар обуна бир кишига қимматлик қилади десангиз, 5-6 киши бирикиб обуна бўлсак ҳам, севимли газетамизнинг тиражи юз минг нусхадан ошарди.

Ҳурматли ҳамкасблар, севимли газетамиз «Маърифат»га обуна бўлайлик!

**Анор МАҲМУДОВА,**
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Гурлан туманидаги 5-мактаб директори.
**Турғун АЗЛАРОВ,**
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Шайхонтоҳур туманидаги 40-мактабнинг
фахрий ўқитувчиси.
**Муҳаббат ШАРОПОВА,**
Ўзбекистон Қаҳрамони, Қарши шаҳридаги
2-ИДУМИ ўқитувчиси.
**Нормамат ЭШОНҚУЛОВ,**
Олтинсой туманидаги 63-мактабнинг
тарих фани ўқитувчиси,
Халқ таълими аълочиси.
**Усмон ЖЎРАЕВ,**
«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби,
Бўка туманидаги 8-мактабнинг
тарих фани ўқитувчиси.
**Раҳматулла КАРИМОВ,**
Ўзбекистон халқ ўқитувчиси,
Учтепа туманидаги 81-мактабнинг
математика фани ўқитувчиси.
**Худойберди КОМИЛОВ,**
фахрий ўқитувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси.
**Маҳмуда ВАЛИЕВА,**
«Соғлом авлод учун» ордени соҳиби,
Юнусобод туманидаги 274-мактабнинг она тили ва
адабиёт фани ўқитувчиси.
**Азиза БОЙМУРОДОВА,**
Каттақўрғон туманидаги 28-мактаб директори,
Халқ таълими аълочиси.
**Гулчеҳра АШУРОВА,**
Термиз шаҳридаги 13-мактаб директорининг
маънавий-маърифий
ишлар бўйича ўринбосари, Халқ таълими аълочиси.
**Дилфуза ҒАЗНАЕВА,**
Яшнобод туманидаги 340-мактаб директорининг
маънавий-маърифий
ишлар бўйича ўринбосари, Халқ таълими аълочиси.
**Дилдор НУРМУҲАММЕДОВА,**
Термиз шаҳридаги 23-мактабнинг
она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Халқ таълими
аълочиси.
**Санобар БЕРДИЕВА,**
Мирзо Улуғбек туманидаги
286-мактабнинг
она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси,
Халқ таълими аълочиси.
**Нурали ХУДОЙБЕРГЕНОВ,**
Чиноз туманидаги 44-мактабнинг
рус тили фани ўқитувчиси,
Халқ таълими аълочиси.
**Дилноза НАРЗУЛЛАЕВА,**
Вобкент туманидаги 21-мактабнинг
бошланғич синф ўқитувчиси.
**Раҳбарой МЕЛИБОЕВА,**
Учкўприк туманидаги
5-мактабнинг
бошланғич синф ўқитувчиси.
**Зиёда МАМАЖОНОВА,**
Косонсой туманидаги 28-мактабнинг
она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.
**Эркинжон ЯРАШЕВ,**
Зарафшон шаҳридаги 13-ИДУМ
ўқитувчиси.

# ШУҲРАТ ХОЛБЎТАЕВИЧ ДЕҲҚОНОВ



Ўзбекистон касаба уюшмаларининг фидойи вакили, умрининг қарийб чорак асрини соҳа ривожига бағишлаб келган устоз, Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Шуҳрат Деҳқонов 73 ёшида оламдан ўтди.

Ш.Деҳқонов 1950 йил 27 апрелда Тошкент вилояти Бекобод туманида таваллуд топди. 1972 йилда Тошкент давлат (ҳозирги Ўзбекистон Миллий) университетини тугатди. У илк фаолиятини 1972-1975 йилларда Афғонистонда бошлади, форсий тилли халқ билан муносабатлар ўрнатишда таржимонлик қилди. Собиқ иттифоқ даврида мамлакатнинг қўшни давлатдаги мулоқотларида самарали иштирок этди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Шуҳрат Холбўтаевич ушбу қисқа фаолияти давомида маҳаллий халқнинг барча дарду армонларини чуқур ўрганди, кейинги йилларда амалга оширилган ташқи сиёсатга теран нигоҳ билан баҳо берар эди.

Ўз ватанига қайтгач, меҳнат фаолиятини 1975 йилда Бекобод шаҳар босмахонасида мусаҳҳиҳликдан бошлади. Кейинчалик Бекобод тумани ёшлар қўмитасида, 1978 йилдан халқ депутатлари Жиззах шаҳар кенгашида ишлади. Жиззах шаҳар ҳокими ўринбосари, Жиззах вилояти ҳокимлигида ижтимоий масалалар мажмуида котибият мудири вазифаларида самарали фаолият юритди.

Шуҳрат Деҳқонов афғон уруши қатнашчиси эди.

1998 йилдан эътиборан Шуҳрат Холбўтаевичнинг асосий фаолияти касаба уюшмалари соҳасида кечди.

Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Жиззах, Самарқанд ва Тошкент вилояти кенгашлари, сўнгра Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси лавозимларида ишлади.

2017-2018 йилларда Ўзбекистон Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари, 2018-2020 йилларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири, 2020 йилдан умрининг охиригича Ўзбекистон Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси лавозимида фаолият юритди.

Шуҳрат Холбўтаевич, бир сўз билан айтганда, катта билим ва тажрибага эга инсон эди. У киши билан бир марта ҳамсуҳбат бўлган киши яна бот-бот мулоқот қилишга ошиқарди. Ўқимишли инсон ўлароқ, ўзбек халқининг тарихини чуқур ўрганган эди, қолаверса, ўзбек санъатининг соҳир билимдони, дунё сиёсати бобида ҳам теран фикрга эга шахс эди. Шуҳрат Холбўтаевичнинг соҳа ривожи йўлидаги хизматлари алоҳида эътирофга лойиқдир. У киши ташаббускор раҳбар бўлиш билан бирга, янгича ғояларни рўёбга чиқаришда кучли ташкилотчи ҳам эди.

У ўз фаолиятининг маъно-мазмунини халқимизга, жонажон Ватанимизга сидқидилдан хизмат қилишда, деб билган инсон эди. Ҳар қачон ишчи-ходимларнинг манфаатларини таъминлаш йўлида чинакам фидойилик намунасини кўрсатиб келди. Шуҳрат Холбўтаевични оилапарварлик бобида ҳам кўпчиликка намуна бўлганини катта ҳурмат билан таъкидлаш лозим.

Ш.Деҳқоновнинг хизматлари муносиб тақдирланди. 2021 йилда Президентимизнинг Фармонига биноан «Дўстлик» ордени билан мукофотланган. У, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Эҳтиром» нишони соҳиби ҳам эди.

Касаба уюшмаларининг фидойи ходими, меҳрибон устоз, камтарин инсон Шуҳрат Холбўтаевич Деҳқоновнинг хотираси қалбларимизда доимо сақланиб қолади.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси**

Мулоҳаза

# Асалнинг ҳам ози ширин

## *ёхуд номофобия нима ва у қандай оқибатларга олиб келади?*




**1876 йил 14 февралда Шотландияда америкалик ихтирочи Александр Белл телефон ихтироси учун патент олди. Бу қурилма ўша кезлар овозли қўнғироқлар учун хизмат қилган эди. Бугунги кунда эса «ёвузлар қўлидаги қуролга айлангани» бор гап. Чунки имкониятлари ниҳоятда кенг бўлгани боис ушбу ихтиро одамзодни ўзига тобе қилишга ҳам улгурди. Кўча-кўйда юрганимизда ҳатто оғзидан сўрғичи тушмаган болаларнинг қўлида ҳам 2-3 миллион сўмлик телефонни кўрамиз.**

Фарзандини мурғаклигиданоқ китоб ўқишга қизиқтириш ўрнига «Менга халақит бермасин» деган илинжда унинг қўлига телефон тутқазаётган ота-оналар наҳотки унинг келажагига болта уриздаётганини билишмаса? Аксарият ёшлар эса, ўз умрини Интернетда «танилиш» билан ўтказишаётганига нима дейсиз?

Баъзан кекса отахону онахонлардан «Телефонингга ўт тушсин!», «Телефон чиқди – бало чиқди» деган гапларни эшитиб қоламиз. Статистик маълумотларга кўра, мактаб ёшидаги болаларнинг 23 фоизи телефонга муккасидан кетган экан. Айрим «тарбияли» ёшларнинг ножўя ишлари ва нохуш қилиқлари эса аллақачон Интернет орқали тарқалиб бўлган.

Хўш, телефондан туни билан фойдаланадиганлар асосан нима иш қилишади? Ёки бу телефонга ўта қарамлик оқибатими? Йўқ, бу аслида унга ҳаддан зиёд боғланиб қолишдир. Бу эса НОМОФОБИЯга олиб келиши мумкин.

НОМОФОБИЯ мобил телефонсиз ёки ундан узоқда қолишдан қўрқиш демакдир. 2010 йили Буюк Британиянинг бир почта бўлими томонидан ўтказилган экспериментда қатнашган 2100 кишининг 53 фоизи уяли телефонини йўқотиб қўйишдан, батареяси «ўтириб» қолишидан ёки ҳисобида маблағ тугашидан хавотирда эканини айтган. Номофобларнинг ярми ҳеч қачон мобил телефонларини ўчирмайди. Бу эса, мия ва кўзга боғлиқ жиддий касалликларни келтириб чиқаради.

Биз мобил телефондан батамом воз кечинг демоқчи эмасмиз, фақат асалнинг ҳам ози ширин деганларидек, бу алоқа воситасидан зарурат туғилганда ва меъёрида фойдаланиш зарурлигини эслатмоқчимиз.

**Олланазар ХУДОЁРОВ,**
ЎзЖОКУ талабаси

«Ishonch»га жавоб берадилар

# Агентлик ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқувчи, холос...

***«Ishonch» газетасининг 2023 йил 21 август сонида «Медиа-омбудсман институти қачон таъсис этилади?» сарлавҳали мақола эълон қилиниб, мутасаддилар ҳукмига ҳавола этилган эди. Унга Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигидан қуйидагича жавоб келди:***

*«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4151-сонли қарорининг 5-иловасида агентликка Медиа-омбудсман лавозимини жорий этиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси топширилган.*


Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига!

Хоразм вилояти

Медиа-омбудсман институти
ҚАЧОН ТАЪСИС ЭТИЛАДИ?

Бундан тўрт йил муқаддам, 2019 йилда Ўзбекистонда медиа-омбудсман институти таъсис этилиши ҳақида хабарлар тарқалган эди. 2019 йил 18 сентябрда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида мамлакат Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ягона ахборот сиёсати концепцияси тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси муҳокамага қўйилди.

Ушбу ҳужжат лойиҳасида, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Агентликнинг Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ўринбосари – оммавий ахборот воситаларининг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Медиа Омбудсман) лавозимини жорий этиш ҳамда Котибият тузилмасида чекланган бошқарув ходимлари сони 2 тадан иборат Оммавий ахборот вакиллари қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш секторини тузиш бўйича таклифига розилик берилиши айтилганди. Унда Оммавий ахборот воситаларининг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг (Медиа Омбудсман) асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланиши кўрсатилган:

– оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг, шунингдек, оммавий ахборот воситалари томонидан ахборот соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши масалаларини амалий рўёбга чиқаришни ўрганиш;

– оммавий ахборот воситалари ҳамда давлат идоралари, жисмоний ва юридик шахслар ўртасида юзага келадиган низоларни судгача ҳал этишда кўмаклашиш;

– оммавий ахборот воситаларига уларнинг ҳуқуқлари поймол этилиши, давлат идоралари томонидан улар фаолиятига аралашиш ҳолатлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

– оммавий ахборот воситалари фаолиятининг мустақиллигини янада таъминлаш, уларнинг ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Бироқ, орадан тўрт йил ўтганига қарамасдан, ушбу концепция қабул қилинмади ва Медиа Омбудсман лавозими ҳалигача жорий қилинмади.

Президентнинг 2022 йил 28 январдаги фармони билан имзоланган «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»нинг 89-мақсадида «Фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги борасидаги ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш» илгари сурилган бўлиб, мақсаднинг биринчи бандида «Ахборот соҳасини тартибга солувчи ягона тизимлаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш» белгиланган.

Дарҳақиқат, ахборот соҳасини тартибга солиш долзарб аҳамият касб этади. Бироқ, нима учундир бу масала пайсалга солиниб келинмоқда. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги нима учун ўзи таклиф қилган ҳужжат лойиҳаси тақдирини эътиборсиз қолдиряпти? Ўзбекистонда Медиа Омбудсман институти таъсис қилинадими?

**Муҳаббат НОРБОЕВА**
Урганч шаҳри

*Агентлик ушбу топшириқ ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ўринбосари – оммавий ахборот воситаларининг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Медиа Омбудсман) лавозими ҳамда унинг Котибиятини ташкил этиш бўйича норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти асосида тегишли ишларни амалга оширган.*

*Агентлик бу борада «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонун ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига асосан норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ишлаб чиқувчиси саналади ва унинг қабул қилиниши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш ваколатига эга эмас.*

*Алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда сўз эркинлигини таъминлаш борасида оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси даражасида белгиланди.*

*Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 июндаги ПҚ-294-сонли қарорида журналистларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтириш мақсадида журналистларнинг профессионал фаолиятига тааллуқли жиноят ишлари бўйича иш юритишда Журналистлар уюшмасига уларнинг жамоатчилик ҳимоячилари сифатида қонунда белгиланган тартибда иштирок этиш ваколати ҳам тақдим этилди.*

*Агентлик «Медиа-омбудсман институти қачон таъсис этилади?» сарлавҳали мақола юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ўринбосари – Медиа Омбудсман лавозими жорий этилиши сўз эркинлиги таъминланишида яна бир алоҳида ҳуқуқий асос бўлиши мумкинлигини маълум қилади».*

**Директорнинг биринчи ўринбосари Д.САИДЖАНОВ**

Наманган вилояти

# «Ҳурматимизни қозонган газета»



***Наманганлик газетхонлар «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари хусусида шундай фикр билдиришди***



Айни кезларда 30 мингдан зиёд ададда чоп этилаётган «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси ўз муштарийларининг ушбу нашрлар ҳақидаги фикрларини билиш, улар билан юзма-юз мулоқот ўтказиш мақсадида «Ishonch» кунлари» тадбирини бошлаб юборди. Бу учрашувнинг дастлабкиси Наманганда бўлиб ўтди.

Ижтимоий тармоқларда газеталар эндиликда эскирганини, улар тезкорлик бўйича давр талабларига жавоб беролмаслигини даъво қилаётган айрим кишиларга таҳририят жамоаси аслида газета билан интернет тармоқларини қиёслашнинг ўзи нотўғрилигини аллақачон исботлаб берган.

– Ҳозирга қадар «Ishonch» саҳифаларида чоп этилган долзарб мавзулардаги мақолалар, одамларнинг дардлари ва муаммолари эътибордан четда қолиб кетаётгани йўқ, – деди учрашувда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Наманган шаҳар кенгаши раиси Акмал Умаров. – Таҳририят ходимлари тегишли ташкилотлардан бу муаммолар ечимини топиш, уларни ўз вақтида ижобий ҳал этиш юзасидан зарур чоралар кўришни сўрашади, керак бўлса, қайта-қайта мурожаат қилиб, масала ҳал этилмагунча тиним билишмайди. Бунга Наманган шаҳридаги 33-мактабгача таълим муассасасининг аҳволи абгорлиги тўғрисида чоп этилган мақола яққол мисол бўла олади. Такрорий чиқишлар ва мурожаатлар самараси ўлароқ, ҳозир ушбу болалар боғчаси янгидан қурилмоқда. Бундан ота-оналар ҳам, муассаса ишчи-ходимлари ҳам бирдек хурсанд.

Учрашувда касаба уюшмаларининг ҳар бир тармоқ кенгаши раислари ижодий жамоага алоҳида миннатдорлик билдириб, ўз фикр-мулоҳазаларини ва таклифларини айтиб ўтишди.

– Аъзоларимиз сони кўплиги жиҳатидан катта тармоқ ҳисобланамиз, – деди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Аббосхон Мамадалиев. – Уюшмага асосан ишчи-ходимлар манфаатларини ҳимоя қилувчи тузилма, деб таъриф берадиган бўлсак, ҳар бир ташкилотда жамоа шартномаси тузилгани фаолиятимиз ифодасини билдиради. Иш берувчи томонидан ноҳақ бўшатилган, меҳнатига яраша ҳақ ололмаётган, иш жойида муносиб меҳнат шароитлари яратилмаган ходимларни ҳимоя қилиш ҳам бизнинг асосий вазифаларимиз саналади. Бу борада бизнинг яқин кўмакчимиз «Ishonch» газетаси десам, хато бўлмайди. Дарвоқе, шу кунга қадар унинг саҳифаларида соғлиқни сақлаш тармоғида амалга оширилган ишлар, вазифасига қайта тикланган ходимлар ва уларга компенсация пуллари ўз вақтида ундириб берилгани ҳақида кўплаб мақолалар ёритилди. Уларни ўқиган ҳар бир ходимнинг қалбида, шубҳасиз, касаба уюшмаларига нисбатан меҳр уйғонади ва ишонч мустаҳкамланади.

– Фурсатдан фойдаланиб, шуни алоҳида эслатиб ўтиш жоизки, «Ishonch» «Менинг қандай камчилигим бор, айтинг, ўзгарай. Мени ўз вақтида сизга етказиб беришяптими, саҳифаларимдаги мақолалар сизни қониқтиряптими?», дея муштарийлари олдига чиқа олиши билан ҳам ҳурматимизни қозонган газета, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгаши раиси ўринбосари Қаҳрамон Содиқов. – Ижодий жамоа билан ўтказилган ушбу учрашув ҳам ана ўша саволларга жавоб топиш мақсадида ташкил этилгани таҳсинга лойиқдир.

«Ishonch» кунлари» тадбири давомида газета Бош муҳаррири Ҳусан Эрматов иштирокчиларнинг ҳар бир саволига батафсил жавоб берди.

**Орзугул РУСТАМОВА**
«ISHONCH»

Учрашув

# Мазмунли ва самимий

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгашида «Ishonch» кунлари доирасида «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти вакиллари билан ижодий учрашув ўтказилди.**

Қорақалпоғистон Республикаси




Касаба уюшмалари ходимлари, фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва газетахонлар қатнашган учрашувда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши раиси Улуғбек Жалменов «Ishonch» газетаси юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, бунёдкорликлар ҳамда касаба уюшмаларининг ишчи-ходимлар манфаатлари ҳимояси йўлидаги ишларини жамоатчиликка етказишда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келаётгани ҳақида сўз юритди.

Шундан сўнг газета бош муҳаррири ўринбосари Жаҳонгир Наҳанов ҳамда мухбир Умида Худойберганова газета босиб ўтган йўл, долзарб мавзулар ҳамиша саҳифалардан ўрин олиб, халқимизни қийнаётган муаммолар барҳам топаётгани, шунингдек, давлатимиз томонидан оммавий ахборот воситаларига қаратилаётган эътиборга тўхталишди.

Мазмунли ва самимий мулоқотда соҳа ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олиш билан бирга таклифларини ҳам билдиришди.

**Фотима АБДУРАИМОВА**
«ISHONCH»

# «Истагингиз биз учун муҳим!»

***«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ижодий жамоаси андижонлик ўқувчилари билан учрашди***

Андижон вилояти





*Сарварбек КОЗИМОВ олган суратлар*

**Таҳририят ижодий жамоаси ҳудудларга бориб, газета ўқувчилари билан ижодий учрашув ташкил этиши одатга айланган. Юзма-юз мулоқотлардан муддао битта: ҳар икки нашрни янада мазмунли газетага айлантириш учун кўпроқ қайси мавзуларга эътибор қаратиш керак? Қайси рукнлар ортиқча-ю қай бир соҳа камроқ қаламга олиняпти? Фикрдан фикр унар, дегандек бундай тадбирларда ўртага ташланган мулоҳазалар ҳали қаламга олинмаган мавзуларга турткі беради, журналистларни жамиятнинг диққат марказидаги масалаларга турли ракурслардан ёндашишга ундайди.**

Кутилганидек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгашида ўтказилган бу галги учрашув ҳам мароқли ва мунозараларга бой тарзда кечди. Расмиятчиликдан, маърузабозликдан ҳоли бир шаклдаги мулоқотда таҳририят бош муҳаррири Ҳусан Эрматов жамоанинг ижодий режалари хусусида сўз очаркан, «Биз кўпроқ сизларни эшитгани келдик. Биз учун газетага муносабатингиз, кўнглингиздаги кечинмалар, ўй-фикрлар жуда муҳим. Таклифларингизга ҳам, танқидларингизга ҳам тайёрмиз», дея даврага юзланди.

Бугун ўқувчи қўлидаги телефон иловалари орқали воқеликлар билан саноқли сониялардаёқ танишишга муваффақ бўляпти. Ижтимоий тармоқлар янгиликларни тезкор етказиш борасида наинки газеталар, ҳатто телевидение ва радиони-да доғда қолдирмоқда. Замон зайлидан келиб чиқиб, газеталар ҳам ёндашувни ўзгартирганига анча бўлди. Аксарият нашрлар аллақачон хабарчиликдан аналитикага ўтди. Яъниким жамият ҳаётига дахлдор у ёки бу воқеа, ҳодиса, жараёнларнинг келиб чиқиш сабаблари, омилларини таҳлил қилиш, шарҳлаш газетчиликнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Гап энди бу вазифанинг нечоғли бажарилиши, профессионал ижросида. Айни жиҳатлар мазкур учрашувда ҳам мунозара марказида бўлди.

Кенгаш бўлим мудири Қодиржон Ризаевнинг фикрича, ҳар икки газетада бериб борилаётган миллий ўзликни англаш, узоқ ва яқин тарихимизнинг «парда ортида» қолаётган саҳифаларини бошқача нигоҳ билан тафтиш қилишга қаратилган ҳамда маърифатга чорловчи мақолаларни кундалик ё даврий чиқишлар деб бўлмайди, яъниким уларнинг долзарблиги, аҳамияти йўқолмайди. Шундан келиб чиқиб, мана шу йўналишдаги ранг-баранг материалларни изчил давом эттириш даркор.

Касаба уюшма фаоли Зафарбек Абдуллаев «Ishonch»даги таълим муаммоларига доир чиқишлар жамоатчилик, хусусан, ўқитувчилар орасида илиқ кутиб олинаётганини, бироқ айни йўналишдаги таҳлилий мақолалар сон жиҳатдан кам эканлигини қайд этди. Унинг таъкидлашича, таълим тизимидаги бугунги ислоҳотлар, дарсликлар масаласи, ўқитувчиларга қўйилаётган талаблар билан боғлиқ умумий ўзгаришлар профессионал шарҳланган, бу жараёндаги ютуқлар билан бирга, камчиликлар ҳам холис таҳлил қилинган мақолаларга эҳтиёж катта. Шу боис таълим мавзуси кун тартибидан тушмаслиги керак.

Ҳали ёдимиздан кўтарилгани йўқ – ўтган қиш мавсумидаги аномал совуқ шаҳарликлар-у қишлоқликларни бирдай синовдан ўтказди. Ана шундай қаҳратон кунларда сув тошаётган ўрага тушиб, ишдан чиққан қувурларни тузатаётган сувсозларнинг суратлари трендга чиқди. Жумладан, «Ishonch» газетаси ҳам «Кун қаҳрамонлари» рукни остида ана шу заҳматкаш юртдошларимиз суратларини бош саҳифада чоп этди. Маълум муддатдан сўнг бир гуруҳ шундай фидойи касб эгаларининг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти томонидан муносиб рағбатлантирилганидан ҳам ўқувчилар яхши хабардор, албатта. Мазкур мулоқотда касаба уюшма фаоли Назокатхон Қўзибоева ушбу ибратли воқеликни ёдга олди ва шу каби атрофимиздаги оддий қаҳрамонлар – қадоқ қўлли фаррошлар, ёзнинг саратонида, оёғи остидан ҳам, бошидан ҳам қайноқ тафт уришига қарамай, вазифасини сидқидилдан бажарадиган йўлсозлар фаолиятини ҳам юқоридаги тарзда тез-тез ёритиб бориш керак, деган фикрни илгари сурди. Зотан, бундай чиқишлар ўқувчига ибрат ва тарбия вазифасини ҳам ўтайди.

Тадбирда иштирок этган Бахтиёр Жўраев газеталарнинг обуначиларга вақтида етиб бориши билан боғлиқ масала хусусида сўз очиб, нашрни Фарғона водийсидаги ўқувчилари қўлига «тандирдан чиқишига» тутқазиш учун ҳуддаги матбаа уйлари имкониятларини ўрганиб кўриш зарур, деган фикрни билдирди. Шунда таннарх ҳам тушади, нашрлар ҳам ўша куни тонгдаёқ ўқувчининг столида бўлади.

Албатта, таҳририят водий вилоятларидаги босмахоналар билан ҳамкорликни йўлга қўйишни аллақачон ўйлаган, бироқ айрим техник-технологик муаммолар сабаб умумий ададнинг Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларидаги ўқувчиларга етиб борувчи қисмини айни ҳудудларда чоп этиш режаси рўёбга чиқмай келаётир. Зотан, таҳририятнинг энг асосий мақсадларидан бири – газетанинг барча ҳудудларга бир хил – юқори сифатда етиб боришини таъминлаш. Аммо бу – жамоа айни масалада изланишдан тўхтади, дегани эмас.

Турган гапки, фикр-мулоҳазалар, баҳсу мунозаралар билан тўйинган мулоқотда таҳририят жамоаси фаолиятдаги камчиликларига нисбатан ўқувчилар муносабатларини ҳам ўрганди, шунинг баробарида келгуси йил ижодий режаларнинг дастлабки чизгилари қоғозга тушди.

* * *

Гап газета, маърифат тарғиботи хусусида борар экан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши томонидан айни йўналишда йўлга қўйилган хайрли ишлар хусусида ҳам икки оғиз гап айтмасак бўлмас. Уч-тўрт йил аввал вилоят раҳбарияти ташаббуси билан ҳудуддаги аксарият ташкилот ва идоралар маъмурий бинолари олдида бепул кўчма кутубхоналар ташкил этилганди. Бугунга келиб, мўъжаз кутубхоналар бармоқ билан саноқли муассасалар олдидагина турибди. Шулардан бири – Федерациянинг вилоят кенгаши. Бундан ташқари, газеталар ойнаси ҳам вилоятда фақатгина кенгаш биноси олдида сақланиб қолди. Мазкур ойналарга наинки «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие», балки бошқа кундалик нашрларнинг ҳам янги сонлари ўз вақтида илиб қўйилади. Газета ойналарининг айвончасига эса тунги чироқлар ўрнатилган, ўқувчи сутканинг исталган қисмида келиб мутолаа қилиши мумкин. Ана энди, Андижон шаҳрида аҳоли сонининг зич жойлашгани, қолаверса, яқин ҳудудларда кейинги йилларда кўп қаватли уйлар ҳам қад ростлагани эътиборга олинса, теварак-атрофини турфа дарахтлар, анвойи гулу райҳонлар қуршаган Кенгашнинг файзли биноси олдидаги қатор ўриндиқларга жойлашиб, ҳудудий ва марказий телеканаллар дастурлари айланиб турадиган улкан монитор орқали янгиликлар билан танишиб, бепул кутубхонадан китоб олиб ўқиб, газеталардаги мақолалар билан танишиб, маданий ҳордиқ чиқараётган одамларни кўз олдингизга келтириб кўринг! Бу фикрлар заррача ҳам орзу-хаёллар маҳсули эмас, жамоатчилик кўз ўнгида юз бераётган оддий ҳақиқатлардир.

**Нурилло НЎЪМОНОВ**
«ISHONCH»

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
*(tahrir hay'ati raisi),*
Ulug'bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
*(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),*
Mehriddin SHUKUROV
*(Mas'ul kotib – «Ishonch»),*
Valentina MARSENYAK
*(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

**Bosh muharrir**
Husan ERMATOV

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-99) 889-90-31
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-99) 889-98-02
**Navoiy viloyati –** (+998-99) 889-90-28
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg'ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:** S.Abdurahmonov

**Musahhihlar:** D. Xudoyberganova, D.Ravshanova

**Sahifalovchi:** H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti –** 02:00
**Topshirildi –** 02:20

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

**Tahririyat hisobraqami:**
2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «Ipoteka bank» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma **G-1013**
Nashr ko'rsatkichi: **133**
1 2 3 4 5 6

**Umumiy adadi 30344**

**14013** nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.